
ФУРҚАТ ТУМАНИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ УЧУН ЯНГИ БИНО ҚУРИЛАДИ

Халққа хизмат кўрсатишнинг янги тартиби - Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ, қисқа фурсатда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун айна муддао бўлган тизим сифатида эътибор ва эътирофга сазовор бўлмоқда. Зеро, яқин-яқингача одамлар турли давлат идораларига бирор зарурат билан борганда, узундан узун навбатларга, оддийгина маълумотнома учун ҳар хил сарсонгарчилик, сансалорликларга дуч келишарди. Эндиликда, фуқаролар ўзлари учун зарур маълумотларни давлат хизматлари марказлари орқали ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали ёрдамида мустақил равишда олиш имкониятига эга бўлишмоқда. Марказлар орқали тақдим этилаётган хизматлар турларининг ортиши уларга одамлар оқимининг кўпайишига олиб келмоқда. Бу борада аҳолига янада қулайлик ва енгилликлар яратиш мақсадида янги, замонавий, инновацион, ташриф буюрувчилар учун қулайликларга эга бўлган “ақлли” бинолар қуриб битказилмоқда. Вилюятимизда ҳам бу каби бинолар сони 17 тага етди. Яқин кунларда Фурқат туманида ҳам ана шундай мухташам бино қуриб битказилади.

Бугун мухташам бинога пойдевор қўйиш маросимида ДХА Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Раънохон БОЙҚЎЗИЕВА, туман ҳокими Жаҳонгир ЖУМАНОВ бошчилигида сектор раҳбарлари, туман Халқ қабулхонаси мудирини Расулжон ЖЎРАЕВ, “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонаси уста наққоши - Ўзбекистон Халқ устаси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Муҳаммадали ЮНУСОВ, туман бош имом-хатиби Анваржон ПАРМОНҚУЛОВ, туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Зарифахон АЛИХАДЖАЕВАлар иштирок этдилар. Пойдевор қўйиш маросимидан олдин қуръон-тиловат қилиниб, янги бино халқимизга кўп йиллар хизмат қилишини ният қилиб, биринчи ғишт қўйилди.

Яқин кунларда шундоққина туман марказида, аҳоли учун қулай ҳудудда ходимлар учун ҳам, фуқаролар учун ҳам барча шароитларга эга бўлган марказ биноси қад ростлайди. Икки қаватли бинодан Давлат хизматлари маркази биноси, Адлия ҳамда ФХДЁ бўлими жой олади. Анъанавий архитектура ва жаҳон меъморий дизайни билан уйғунликда қурилаётган марказда барча қулайликлар яратилади. Давлат хизматлари агентлигининг 3 миллиард сўм маблағи эвазига қад ростлаётган Давлат хизматлари марказининг янги биносидан “Ўтган кунлар” романи бош қаҳрамони Юсуфбек ҳожи таъбири билан айтганда, ҳеч ким норизо бўлиб кетмайди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ



